ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАРДА КРЕАТИВ ҚОБИЛИЯТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Сайфиддин Имомович Ибрагимов
Чирчиқ Олий танк қўмондонлик билим юрти

АННОТАЦИЯ

Мақолада интерфаол метод ва замонавий педагогик технологиялар асосида таълим олувчиларда креативлик кўникмаларини ривожлантиришнинг аҳамияти баён этилган. Бунда асосий эътибор компетенциявий ёндашув асосида таълим олувчиларда креатив қобилиятларни ривожланганлигини аниқлаш мезонлари ва механизмларини такомиллаштиришга қаратилган. Интерфаол ўқитиш методлари ва технологиялари воситасида таълим олувчиларда креативлик қобилиятларини ривожлантиришнинг интегралашган методик тизимини такомиллаштириш, креативлик қобилиятларнинг ривожланганлик даражаларини аниқлаш ва мавзуга доир илмий асосланган тавсиялар тақдим этилган.

Калит сўзлар: креативлик, ижодкорлик, қобилият, интерфаол методлар, технологиялар, педагогик-психологик хусусиятлар, мезонлар, даражалар, омиллар, механизмлар, технологик босқичлар, натижалар.

THE IMPORTANCE OF DEVELOPING CREATIVE SKILLS IN STUDENTS

Sayfiddin Imomovich Ibragimov
Chirchik Higher Tank Command Educational Institution

ABSTRACT

The article reveals the importance of developing creative abilities in education based on interactive methods and modern pedagogical technologies. The main focus is on improving the criteria and criteria for determining the development of creative abilities of teachers on the basis of a competence-based approach. with the help of interactive teaching methods and technologies, it is aimed at improving the holistic methodological system for the development of students' creative abilities, determining the level of development of creative abilities and providing scientifically based recommendations on this topic.

Keywords: creativity, ability, interactive methods, technology, pedagogical and psychological characteristics, criteria, levels, factors, mechanisms, technological stages, results.

КИРИШ

Жаҳондаги глобаллашув ва таълимнинг интеграциялашуви жараёнларида бўлажак мутахассисларнинг касбий-ижтимоий тайёргарлигини ривожлантириш масаласи долзарб вазифалардан бири сифатида белгиланмоқда. Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашнинг сифат даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ҳар бир олий таълим муассасасини жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиши, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш, таълим олувчилар, илмий-педагог кадрларни замонавий касбий билимлари ва креативлик қобилятларини ривожлантириш, ёшлар аудиторияси билан иш олиб боришда интерфаол усуллардан самарали фойдаланиш масалалари Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларига мувофиқ олий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан такомиллаштиришнинг асосий вазифалари сифатида белгиланди.

Илғор хорижий тажрибалар асосида замонавий касбий таълим мазмунини интернационализациялаш ва модернизациялаш, компетенцияларга асосланган инновацион таълим муҳитини шакллантириш, интерфаол ўқитиш методлари ва технологияларини амалиётга кенг татбиқ этиш асосида таълим олувчиларда креативлик қобилиятларини ривожлантиришнинг педагогик механизмларини янада такомиллаштириш муҳим ўрин тутади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Педагог олимлардан О.Жамолиддинова, О.Мусурмонова, М.Уразова, Н.Эгамбердиева, Э.Юзликаева, Ш.Шарипов, Ш.Шодмоноваларнинг илмий изланишларида таълим олувчиларда креативлик қобилиятларини ривожлантиришнинг бўлажак мутахассисларни касбий-инновацион тайёргарлигини шакллантиришдаги ўзига хос жиҳатлари, креативлик сифатларини ривожлантиришга таъсир этувчи ижтимоий омиллар, шахснинг фаоллиги, шунингдек, таълим олувчиларда танқидий, креатив тафаккурни шакллантириш йўллари ва шакллари, мавжуд педагогик шарт-шароитлари, дидактик таъминоти, шунингдек педагогик креативлик мазмуни ёритиб берилган.

Инновацион таълим ва ахборот-коммуникация технологиялари воситасида таълим олувчиларда ўз-ўзини ижодий фаолаштириш, креатив ишланмалар(маҳсулотлар)ни яратишга хизмат қилувчи шахсга йўналтирилган

эркин таълим муҳитини ташкил этиш А.Абдуқодиров, Н.Азизходжаева, У.Бегимқулов, Ж.Йўлдошев, Ю.Круглова, И.Риданова, В.Сластенин, Н.Сайидаҳмедов, Ў.Толипов, Г.Чижакова, Б.Ходжаев, Я.Ғаффоров, М.Тилакова, С.Тоштемироваларнинг илмий тадқиқотларида асосланган.

МУҲОКАМА

Креативлик – шахснинг яратувчанлик, ижодкорлик хислатларлари билан боғлиқ кўникмалар мажмуи сифатида намоён бўлади. Креативлик ўз ичига муаммоларга нисбатан юқори даражадаги сезгирлик, интиуция, натижаларни олдиндан кўра билиш, фантазия, тадқиқотчилик ва рефлексияни қамраб олади.

Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис-туйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди. Креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида ҳам акс этади. Қолаверса, креативлик зеҳни ўткирликни белгилаб беради. Кўриниб турибдики, креативлик бевосита шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари билан боғлиқ жараён ҳисобланади. Унинг ривожланиши эса интеллект-интуиция-мантиқий фикрлаш жараёни таъсирида кечади.

Таълим олувчиларда креативликни ривожлантириш таълим мазмунини ўзлаштиришда таълим олувчиларнинг билим савияси, ўзлаштириш даражаси, таълим манбаи, дидактик вазифаларига қараб, муносиб равишда ўқитиш жараёнини ташкил этишни талаб қилади.

Бунда қуйидаги педагогик шарт-шароитларга амал қилиш лозимлиги назарда тутилади:

таълим олувчиларда креатив фаолиятни эгаллаш майлларини қарор топтириш,

билиш эҳтиёжларини шакллантириш ва таълим жараёнида мустақилликни намоён қилиш муҳитини таъминлаш;

таълим олувчиларда ижодий фикрлаш учун қулай имконият яратиш, таълим олувчилар томонидан баён қилинган турли-туман фикрлар ва ғояларни бағрикенглик билан қабул қилиш ҳамда уларнинг ўқув жараёнидаги фаоллигини таъминлаш, ҳар бир таълим олувчида унинг ижодий фикрлашга қодирлиги ҳақидаги ишончни қарор топтириш, уларнинг ижодий фаолликларини мунтазам рағбатлантириш;

ўқув жараёнини таълим олувчи шахсининг хусусиятлари, эҳтиёжлари ва интелектуал салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда индивидуаллаштириш;

таълим олувчиларда индивидуал, кичик гуруҳлар ва жамоада ишлаш кўникмаларини шакллантириш, уларнинг ижодий имкониятларини кенгайтириш, уларни муаммоларни ҳал қилишда тайёр, стандарт ечимлар билан бирга ностандарт ечимлар қабул қилишга ундаш;

креатив фаолиятни ривожлантиришнинг асоси бўлган когнитив билимларни амалда қайта ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш имконини берадиган интерфаол машғулот шакллари ва методларини танлаш ва татбиқ этиш ва ҳоказо.

Тадқиқотчи Г.Ибрагимова интерфаол ўқитиш жараёнида таълим олувчиларда креативликнинг ривожлантириш босқичларини қуйидагича ифодалаб ўтган:

1. Репродуктив-таваккалчилик босқичи. Бу босқич таълим олувчиларда креатив фаолият, креатив фаоллик ва ижодкорликка бўлган мойилликни қарор топтириш, таълимдаги инновацион технологияларнинг моҳиятини англаш ва янги ғояларнинг туғилиши, шаклланиши билан тавсифланади.

2. Ижодий-изланиш тадқиқотчилик босқичи. Таълим олувчилардаги тадқиқот-чилик, ижодий фаоллик, ностандарт тафаккур, билиш мустақиллиги, импровизация, янгилик яратиш кўникмаларининг шаклланиши билан белгиланади.

3. Креативлик, новаторлик босқичи. Яратилган янгиликни амалда қўллаш, баҳолаш, таҳлил қилиш, оммалаштириш ва уни кенг татбиқ этиш ҳамда истиқболга йўналтирилган стратегик режаларни тузиш билан боғлиқ жараёнларни ўз ичига олади.

Таълим олувчилардаги креативлик қобилиятларини ривожлантириш жараёнида интерфаол таълим жараёни аҳамиятли саналади. Интерфаол таълим – таълим олувчининг билиш фаолиятини фаоллаштириш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ўқув жараёнини ўзаро ҳамкорлик асосида ташкил этилган “субъект-субъект” муносабатларига асосланган ўқитиш методлари тизимидир. Бунда ўзаро ҳаракат таълим олувчиларнинг фаоллашуви, гуруҳ тажрибасига асосланиш, тескари алоқа ўрнатиш каби тамойилларга таянади.

Интерфаол ўқитиш методлари ўз ичига: ақлий ҳужум, муаммоли баён; Кейс-стади; тадбиркорлик ўйинлари; ПОПС-формула; дебат; блиц-сўров;

Суқрот диалоги; ўқув лойиҳалари; аниқ вазиятлар таҳлили (АВТ), SWOT-таҳлил ва бошқаларни қамраб олади.

НАТИЖАЛАР

Мавжуд методик манбалар ва иш тажрибаларини ўрганиш асосида таълим олувчиларда креативлик қобилиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган қуйидаги интерфаол иш шаклларини таклиф қилиш мумкин: ижодий топшириқларни бажариш; кичик гуруҳларда ишлаш; энергезатор машқлар; тренинглар; видеотренинглар; тақдимотлар; викториналар; брифинг; медиа анжуманлар; мастер-класс; ижодий лойиҳалаш машғулотлари; интерфаол экскурсиялар; интерфаол маърузалар; вебинар; давра суҳбатлари; фокус-группа ва бошқалар.

Демак, интерфаол ўқитиш методлари ва технологиялари воситасида таълим олувчиларда креативлик қобилиятларни ривожлантиришнинг муҳим шарти таълим жараёнида эркин-ижодий муҳитнинг яратилиши, профессор-ўқитувчилар, ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг биргаликдаги муносабатлари ва ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатига асосланган ўқитиш жараёнини йўлга қўйишдан иборат.

Таълим олувчиларда креативлик қобилиятларини ривожлантирувчи бир қатор омиллар мавжуд бўлиб, қуйида айримларини келтириб ўтиш мумкин:

креатив фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш, креатив фаолликни шакллантириш, ўқув жараёнини изланувчилик ҳамда муаммоли тадқиқотчилик йўналишларини кучайтириш;

таълим олувчиларнинг муаммоларни ижодий ечиш ва яратувчилик фаолиятларини ривожлантириш вазиятларини ташкил этиш;

таълим олувчиларнинг креатив фаолият тажрибасига касбий зарурият ва истиқболдаги касбий фаолият мазмунининг таркибий қисми сифатида ёндашишларига эришиш;

таълим олувчиларнинг касбий кўникма ва лаёқатларини ривожлантириш жараёнини интерфаол методлар ва технологиялар устида ишлаш асосида ривожлантиришга йўналтириш, уларда мустақил ижодий фаолият кўрсатиш, мустақил билим олиш, ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини билиш, ўз мавқеига эга бўлиш, таълим олувчиларнинг мустақил ишлаш лаёқатларини фаоллаштириш, бу жараёнда уларнинг креатив фикрлашларига эришиш;

таълим олувчиларнинг креатив лаёқатларини намоён қилишлари учун қулай ижодий-ҳамкорлик муҳитини вужудга келтириш кабилар.

Таълим олувчиларда креативлик қобилиятларини ривожлантиришда қуйидаги иш шаклларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга:

- маълумотларни таҳлил этиш, тезкор қарорлар қабул қилиш, ижодий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилувчи тренингларни ташкил этиш;
- тасаввурларни ва образли қарашларни шакллантиришга йўналтирилган ижодий машқлар, топшириқларни бажариш;
- кейслар билан ишлаш;
- гуруҳий иш шакллари ва дебатларни ташкил этиш;
- ўқув лойиҳаларини тайёрлаш;
- портфолиоларни шакллантириш;
- кастинглар уюштириш;
- тўгараклар фаолиятини йўлга қўйиш ва ҳоказо.

Таълим олувчилардаги креативлик қобилиятларининг ривожланганлик даражасини аниқлашнинг қуйидаги мезонлари мавжуд:

креатив фаолиятга нисбатан мотивациянинг қарор топганлиги;
креатив фикрлаш кўникмаларининг ривожланганлиги;
креатив сифатларнинг шаклланганлиги;
амалий креатив фаолият жараёнини ташкил этиш;
ихтисослашган креативликнинг шаклланганлиги ва б.

ХУЛОСА

Креатив кўникмаларни таълим олувчиларда ривожлантириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бўлиб, юқорида келтирилган назарий асосларга таянган ҳолда қуйидаги хулосага келиш мумкин:

Интерфаол таълим методлари ва технологиялари таълим олувчиларда креативлик қобилиятларининг шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этади ҳамда таълим олувчиларда креативликни ривожлантиришга йўналтирилган интерфаол ўқитиш жараёни ўзининг муайян мазмуни, воситалари, педагогик шарт-шароитлари, хусусиятлари ва усулларига эга.

Таълим олувчиларнинг педагогик эҳтиёжлари, қизиқишлари, алоҳида аҳамиятга эга бўлган йўналишларини тизимли тарзда ўрганиш, бунда уларнинг креатив фаолиятни ташкил этишида учрайдиган психологик тўсиларни бартараф этишнинг самарали йўлларини белгилаш лозим бўлади.

Таълим олувчиларнинг креатив қизиқишлари ва эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган ғоялар, концепциялар ҳамда илғор педагогик тажрибалар асосида ўқитиш жараёнини ташкил этиш креативликни

ривожлантиришга нисбатан мазмунли-фаолиятли ёндашувни шакллантиришга хизмат қилади.

Таълим олувчиларнинг креативлик кўникмаларини ривожлантириш асосида улардаги ихтисослашган яъни педагогик креативлик компетентлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш, бунда замонавий ахборот-комуникация технологиялари, инновацион стратегиялар, интерфаол таълим методлари ва технологияларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Олий таълим муассасаларида таълим олувчилар креативлик қобилиятларини ривожлантиришнинг репродуктив, ижодий-изланиш ва новаторлик босқичлари самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи ижодий йўналтирилган таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва таълим олувчиларнинг креатив кўникма ва малкаларини ривожланишининг ўзгаришини баҳолаб бориш лозим.

Таълим муассасалари педагог кадрларининг креатив компетентлигини узлуксиз ривожлантиришга йўналтирилган ўқитиш дастурларини ва технологияларини такомиллаштириб бориш, шунингдек таълим олувчиларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қилувчи замонавий ахборот-методик таъминотни яратиш жараён самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

REFERENCES

1. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On the Strategy of Actions for the further development of the Republic Uzbekistan". - /Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan. - T., 2017. - P. 39.
2. Ibragimova G. (2015). Pedagogical Conditions of Developing Students Creative Potential. Eastern European Scientific Journal. 1(4), 114-118.
3. Toshtemirova S. A. (2020). Ta'lim sifati va uni demokratlashtirish ilmiy muammo sifatida // Uzluksiz ta'lim. № 1 (86). - S.5
4. Gafforov. Ya., Toshtemirova. S. (2020). Ways To Increase The Effectiveness Of Education In An Integrated Environment. European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 7(7), 647-655.
5. Toshtemirova, S.A. (2019). Klaster yondashuvi asosida mintaqaviy ta'lim tizmini boshqarish. *NamDU ilmiy axborotnomasi*, *1*(11), 361-367.
6. Жуммагул Номозовна Абдурахманова, Саодат Абдурашидовна Тоштемирова.(2020). Инновацион технологиялар ва ахборот маданиятини шакллантириш педагогиканинг долзарб масалаларидан бири. Science and Education.1(7). 436-442

7. Toshtemirova, S. (2020). Factors Affecting the Quality of Education and the Importance of the Education Cluster to Address Them. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8(4), 151-156.
8. Ибрагимова Г. (2015). Педагогик инновациялар ёрдамида талабаларнинг креатив қобилиятларини шакллантириш. Замонавий таълим, 1(3), 50-54.
9. Тоштемирова, С. (2020). Таълимда Чирчиқ тажрибаси. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 445-451.
10. G`afforovYa.X. (2020). Methods for developing a system of teaching history and ibcreasing the effectiveness of teaching history.EPRA International journal of Multidisciplinary Research. Monthly Peer Reviewed & Indexed International Online Journal. 27 (07), 8104-8111.
11. Toshtemirova S.A. (2020). Ta'lim va tarbiyaning demokratik hamda insonparvarlik tamoyili. Maktab va hayot, 1(1), 36-38.
12. Mardonov, S., Toshtemirova, S., Ahmadjonov, B., & Koshanova, N. (2020). Structure and Mechanisms of Action of the Educational Cluster. International Journal of Psychological Rehabilitation, 24(7), 8104-8111.
13. Toshtemirova, С., Жолдасов, И. (2019). Білімді адамгершілікке баулу идеясының қажеттігі. "Actual problems of society, education, science and technology: status and prospects of development" collection of scientific papers of the ii international scientific-practical conference, 1(1), 17-23.
14. Тоштемирова С.А. (2020) Таълим сифати самарадорлигини оширишда инновацион ҒОяларнинг ахамияти. МуҒаллим ҳәм Үзликсиз билимлендириу, 1(1). 56-61.
15. Mukhamedov G., Khodjamkulov U., Toshtemirova S. (2020). Innovative cluster of pedagogical education. Monograph, -T.: University, 280 p.
16. Тоштемирова, С. (2020). "Мактаб-лаборатория"лар минтақавий таълим сифатини ошириш модели сифатида. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 25-31.
17. Mardonov, S. K., & Toshtemirova, S. A. (2020). Classifying the educational system as an innovative approach. ISJ *Theoretical & Applied Science*, 12 (92), 180-182.
18. Тоштемирова С.А. (2020) "Мактаб-лаборатория" инновацион тажриба-синов майдончаларида "иқтидор" лойиҳасини шакллаштириш механизмлари. Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў, 1(1). 46-52.
19. Тоштемирова, С.А. (2020). Педагогика соҳасида кластер модели асосида талабаларни касбга йўналтириш. *Science and Education*, 1(7), 632-638.